



**Fidoyilik –
Vatanga xizmat demak!**

Zarafshon

www.zarnews.uz
https://www.facebook.com/zarnews.uz
@zarnews_uz
https://twitter.com/zarnews_uz

Кун ҳикмати

Гуноҳқорга
индамаслик,
танбех
бермаслик уни
рағбатлантириш
билан баробар

1913-yil aprel oyidan chiqqan boshlagan

zarafshonbot



Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг

2021-yil 17-iyun, payshanba, 70 (23.506)-son

Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг ҚАРОРИ

Халқ депутатлари вилоят Кенгашида бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказиш тўғрисида

"Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Марказий Сайлов комиссиясининг 2021 йил 24 майдаги "Х.Нормуродовни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари рўйхатидан чиқариш тўғрисида"ги 1070-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 19, 93-моддалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2020 йил 26 августдаги 1033-сонли "COVID-19 пандемияси даврида бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайловини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига асосан халқ депутатлари вилоят Кенгашининг VI чақириқ XXIX сессияси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 28-Каттақўрғон сайлов округида депутатлик ўрни бўшаб қолганлиги маълумот учун қабул қилинсин.
2. Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг бўшаб қолган 28-Каттақўрғон сайлов округида депутат сайлови 2021 йил 11 июль кунини ўтказилсин.
3. Халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси (С.Нуриев) бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови қонун талабларига

4. Ушбу қарор халқ депутатлари вилоят Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясига юборилсин.
5. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш халқ депутатлари вилоят Кенгашининг Қонунийликни таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ш.Жўрақулов) зиммасига юклансин.
6. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Кенгаш раиси

Э.ТУРДИМОВ

2021 йил 11 июнь
№ 250/34-VI



Ўзбекистон Республикаси Давлат
мустақиллигининг 30 йиллиги олдида

1991-2021

Иқтисоди
юксалаётган юрт



«Мустақиллик юртдошларимизга эркинлик берди, ўзлигини қайтарди, муҳими, иқтисодий жиҳатдан катта имкониятлар яратди». Бугун қалбларга илиқлик бағишловчи бундай гапларни фахрли равишда айтишга ҳақлимиз. Ваҳоланки, ўтган асрнинг етмиш йили давомида юртимиз деярли ўзгармади. Тадбиркорлик таҳқирланди, одамларнинг интеллектуал салоҳияти, изланувчанлиги, саъй-ҳаракати бўғиб қўйилди. Мустақиллик туфайли бу иллатларга барҳам берилди: 30 йил мамлакатимиз равнақи учун ўзига хос юксалиш даври бўлди. Айниқса, хусусий сектор фаолияти кескин ривожланди, иқтисодий ўзгаришларга алмоқчилик ҳисса қўшилди.

(2-3 саҳифаларга қаранг).

Вилоятнинг "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла"ларига қанча маблағ сарфланади?

Президентимизнинг 2021 йил 2 апрелдаги "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурларини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида 228 445 миллион сўм, маҳаллий бюджет ҳисобидан 114 223 миллион сўм йўналтирилади.

"Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" жамғармасига жами 78 634 миллион сўм, шундан республика бюджетига 34 263 миллион сўм, маҳаллий бюджетига 44 371 миллион сўм маблағ

ўтказилди ва жорий йилнинг 27 май ҳолатига 14 337 миллион сўм молиялаштирилди.

Жўмладан, вилоят ҳокимлиги Инжиниринг компанияси буюртмачилиги асосида жами

78 та ижтимоий соҳа объектига 129 668 миллион сўм маблағ режалаштирилган ва лойиҳа харажатлари учун 667 миллион сўм маблағ молиялаштирилган.

Автомобиль йўлларини таъмирлаш борасида 385 километр тармоқ йўлларини яхшилаш бўйича жами 84 841 миллион сўм маблағ жорий таъмирлаш учун режалаштирилган ва жами 10 970 миллион сўм, шундан республика бюджетидан 4 300

миллион сўм, маҳаллий бюджетдан 6 670 миллион сўм маблағ молиялаштирилди.

Маҳалла ҳудудларини ободонлаштириш (пиедалар йўлакларини таъмирлаш, чиқинди йиғиш пунктларини яхшилаш, дарактор ва гулзорлар ташкил этиш) ва аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш (автотролларда йўловчи ташиш тизимини янада такомиллаштириш, янги бекатлар қуриш) кўча ёритиш устунлари ва лампалар ўрнатиш тадбирларини амалга ошириш учун 2 700 миллион сўм маблағ молиялаштирилди.

Вилоят молия бош бошқармаси ахборот хизмати.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги директори Асаджон Ходжаев хизмат сафари билан вилоятимизда бўлиб, ахборот соҳасида фаолият кўрсатаётган мутахассислар билан учрашди.

АОКА директори

самарқандлик журналист ва блогерлар билан мулоқот қилди



Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, вилоят ташкилотлари ва идоралари ахборот хизматлари раҳбарлари билан ўтказилган учрашув танқидий руҳда ўтди.

Сўнги пайтларда вилоят ижтимоий ҳаёти билан боғлиқ танқидий материаллар кўпайгани, бироқ уларга берилаётган муносабатлар қониқарли эмаслиги таъкидланди. Қайд этилишича, танқидларга фақат расмийликнинг ўзини муносабат билдириш, масаланинг ичига кирмасдан, моҳиятига етмасдан, таҳлил қилмасдан, "ўрганилади", "қўриб чиқилади" қабилида жавоб бериш ҳолатлари учрамоқда. Бу эса муаммонинг янада чуқурлашиши, фуқаролар ва кенг жамоатчиликнинг ҳақиқий эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ваҳоланки, ўз вақтида чуқур ўрганилган ва таҳлил қилинган расмий муносабат ёки баёнот шу каби масалаларнинг қайта кўтарилмаслиги, жамиятда, журналист ва блогерларда шу каби масалаларга тўғри позициянинг шаклланишига хизмат қилади.

Журналист ва блогерлар кўтарётган масалаларга панжа ортидан, эътиборсизлик билан қараш яхши оқибатларга олиб келмайди, - деди АОКА раҳбари. - Ўз вақтида билдирилмаган муносабат турли миш-мишларга, ваҳималарга сабаб бўлади. Шу боис, журналист ва блогерлар билан яқин муносабат ўрнатиш, ўз вақтида ахборотларни тақдим этиш жуда муҳим.

Афсуски, ахборот хизматлари вакилларидан янги, ўзига хос ёндашувлар етишмаяпти. Уларда маълумотларни видео, аудио, инфографика кўринишида, аҳоли учун қулай тартибда тайёрлаш тажрибаси йўқ. Зеро, бугун ана шундай кўринишдаги ахборотлар ўқувчига тез ва осон етиб боради. Учрашувда шунингдек, медиа-режаларнинг ўз вақтида бажарилиши, веб-сайтлар ҳамда ижтимоий тармоқлар билан ишлашда янада масъулиятли бўлиш лозимлиги қайд этилди.

Агентлик раҳбари медиа макондаги муҳим мавзу-

ларни муҳокамага қўйди. Вилоятдаги кўпгаб муаммоларнинг юзага келиши ва ҳал этилишида блогерларнинг улкан ҳиссаси борлигини эътироф этди.

- Блогерлар бирор масалани ёритиш чоғида танганинг иккинчи томони ҳам албатта, эътибор қаратишлари лозим, - деди агентлик директори. - Бунда вилоятдаги давлат идораларининг ахборот хизматлари билан ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга. Расмий манбаларга мурожаат қилган блогер кам хато қилади, эълон қилаётган ахборотининг ҳолислиги, ишончилиги ортади.

Агентликнинг ҳудудий бошқармалари қошида "Диалог майдонча"лари ташкил этилгани, экспертлар гуруҳи блогерларнинг соҳага оид ҳар қандай муаммоли ҳолат бўйича мурожаатларини кўриб чиқишга тайёр экани таъкидланди.

Самарқандлик журналистлар ҳамда ноширлар билан ўтказилган мулоқотда долзарб муаммолар ўртага ташланди. Хусусан, босма нашрлар бўлиши, газета ва журналларни ўқувчиларга етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, соҳада узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган фидойи журналистларни рағбатлантириш, наشريётлар учун қулай шарт-шароит яратиш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Агентлик мутасаддилари томонидан соҳага маркетинг жорий этиш, рекламаларни кўпайтириш, замонавий коммуникациялар имкониятларидан самарали фойдаланиш, аҳоли орасида газеталар тарғиботи масалалари юзасидан тавсиялар берилди. Журналист ва ноширлар тахририятлар ҳамда наشريётлар учун субсидиялар ажратиш, газета ҳамда китобларнинг рекламалари учун давлат телеканалларида чегирмалар бериш, тажрибали кадрларни соҳага жалб этиш бўйича таклифларини билдирди.

**А.БҮРИЕВ,
Ҳ.ЭЛТОЕВ (фото).**

Бемаврид гап кўнгил синдирад

Маврид - инсон фаолиятидаги жараён. Аниқроғи, ҳаракати ва сўзлаши учун пишиб етилган, қулай пайт. Аслида одамнинг оқиллиги, ҳурмат-эътибори ҳам шу лаҳзани тўғри топа билиши, ҳис қилишидандир.

Бемаврид гапириш ҳам, иш қилиш ҳам доимо киши бошига ташвиш келтиради. Бу хулосага ишониш учун ўз ҳаётингиздаги айрим воқеаларни бир таҳлил қилиб кўринг.

Мисол учун, замон шароити ва тиббиёт талабларига риоя этмасдан бир йилда икки марта фарзанд кўрган аёлнинг ҳолатини тасаввур қилинг. У айбни ҳеч ҳам ўзидан қидирмайди. Аслида энг аввало ўз соғлиғига зарар етказиши, оиласига ташвиш ортиради. Чунки бир йил ичيدا дунёга келган икки нафар гўдак саломатлиги истаимизми-йўқми кўнгилдагидек бўлмайди. Она ҳам жисмонан чарчайди. Болаларнинг нимжонлиги, тез-тез касалланишидан ота-онанинг асаби таранглашади. Улар иккаласи ҳам айбни ўзларидан қидириш ўрнига замонадан қолишди, дуч келган идорадан ёрдан сўрашга ўрганиб қолишди. Айниқса, бирорта юмушини бажарсангиз, бутун юкни жамиятга ташламоқчи бўлади.

Юраги касал кишига ёмон хабар етказиш, кўпол гапириш оқибатида унинг

ўлимига сабабчи бўлганларнинг пушаймонини кўргансиз.

Айрим нафси ўпқонлар меҳмондорчиликда одоб сакламай, таомларни пала-партиш еб, даврани ноилож эрта тарк этганини кўргансиз. Раҳматлик Уста Тош бобом "болам, кекса ёки бемор одам олдида ўлим ҳақида гапирманглар", дерди.

Дарвоқе, жаҳли чиқиб ёхуд муҳим бошқа масалага ечим излаб турган одамга билмасдан нимадир илтимос қилиб пушаймон еганингизни унутманг.

Яқинда вилоят бош имом хатиби Зайниддин ҳожи бир ибратли ривоятни айтиб берди. Оқила аёл фарзанди тасодиф туфайли бандаликни бажо келтиргач, эрига бу нохуш хабарни бирдан айтмайди. Нонушта қилиб бўлгандан сўнг унга воқеани ётиғи билан тушунтиради. "Агар кўшимиздан омонатга пул олган бўлсак, у қарзини сўраб келган бўлса, нима қилардингиз", деб сўрайди. Эри "омонат нарса албатта, эгасига унинг талаби билан қайтарилиши керак, дарҳол олган пулни қайтариб берардим", деб жавоб қилади. Шунда аёл гарчи алами кўпчиб, изтиробда турган бўлса-да, "ундай бўлса,

эшитинг, Худо бундан 15 йил аввал бизга берган омонатини қайтариб олди", деб фарзанди ўлиминдан хабар берган.

Надоматлар бўлсинки, бугунги кунда биз маврид билан ҳисоблашмайдиганларга кўп дуч келяпмиз. Мажлисларда ҳам, ижтимоий тармоқларда ҳам ҳуда-беҳуда бир-биримизга мағзава ағдарилсини, иложи бор-йўқлигидан қатъий назар, бировдан нимадир талаб қилишни одат қилдик. Ота-онамизни, раҳбаримизни, энг яқин кишимизни ҳам аямаяпмиз. Зеро, жаҳл чиққанда, ақл қочади, "маврид" деган тушунча эсдан чиқади. Ваҳоланки, жаҳлимизни озгина босиб олиб, вақтини толиб, ётиғи билан тушунтирсак, масалага ечим топилади.

Шуни англаб етдимки, ҳар бир гапнинг ёки ҳаракатнинг мавридини билиш учун фаросат керак экан. Фаросат айтилаётган гап, қилинаётган ҳаракат оқибатини ўйлаш ва сеза билишдир. Сиз мурожаат қилмоқчи бўлган кишининг ўрнига ўзингизни қўйиб кўра билишдир. Ана шундай қилсак, ота-боболаримиздан қолган қадриятларга, кўнгилларга дарз кетмайди.

Японлар чорак аср мобайнида ўзаро муносабатда бемаврид ва бировнинг кўнгилга тегадиган гапни айтишдан тийилиш қадриятини ўзлаштирди. Бизнинг япондан кам жойимиз йўқ. Жуда зарур бўлганда ҳам бемаврид гапиришдан, ноқулай ҳаракатдан тийилинг, азизларим...

Фармон ТОШЕВ.

Бугунги давр, шиддаткор замон Ватанимиз тараққиёти, бунёдкор ва танти халқимиз фаровонлигини ошириш учун олдимизга муҳим вазифаларни кўймоқда. Ва, бу ҳар биримиздан юксак масъулият, фидойилик талаб қилмоқда. Шу нуқтаи назардан Самарқанд вилоятида ҳам кўп ўзгаришлар, янгилашлар бўлаётганини кўряпмиз.

Ислохотларнинг пировард мақсади одамлар даромадини кўпайтириш, харид қобилиятини ошириш ва бандлигини таъминлаш орқали уларни ҳаётдан рози қилишдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ.

1991-2021 Иқтисоди юксалаётган юрт

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Кеча. Сир эмас, бозорли иқтисодиётга асосланган турмуш бажарилган ҳар бир ишни, қўйилган ҳар бир қадам ва қилинган хатти-ҳаракатни тарозига солади. Собик иттифоқ ҳукмронлиги замонида бу тарози марказ қўлида бўлиб, давр талаби, кишилар хоҳиш-иродасидан қатъи назар аниқ кўрсатмалар асосида белгиланган ўлчов вазифасини ўтарди. Бу ҳол кишилар ташаббускорлигини сўндириб, уларнинг бир меъёردаги таъминот даражасида ҳаёт кечиришига, қатъий тарзда белгилаб берилган доира атрофида ҳаракат қилишига олиб келди. Оқибатда жамият учун ҳам, одамларнинг ўзлари учун ҳам ўта хавфли бўлган боқимандалик кайфияти пайдо бўлди.

Ёши қирқдан ошган кишиларга мурожаат қиламиз: бундан ўттиз йил аввал буюм бозорларини айланганингизни эслайсизми? У пайтлар излаган буюмингизни топарминдигиз? Сотилаётган товарларнинг ҳам деярли барчаси четдан, ҳеч бўлмаса собик иттифоқ таркибидagi мамлакатлардан келтирилганди. Боз устига, улар орасида «усту ялтирок, ичи қалтироқ»лари кўплиги ҳақли равишда харидорларнинг эътирозига сабаб бўларди.

Бугун эса вазият тамоман ўзгача. Ерлигида «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёзуви битилган товарлар бозорларни тўлдирди. Раётгани кишига мамнуният бағишлайди. Ички бозорларимиз расталарида миллий товарлар улуши кескин ошган. Тадбиркорларимиз маҳсулотларини бозор талаби ва харидорлар дидига мос равишда ишлаб чиқараётгани туфайли унинг хариди чаққон. Муҳими, юртимиз, вилоятимизда ишбилармонлар сафи йил сайин кўпайиб, улар ички бозорни юқори сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар билан тўлдирмоқда. Масалан, 2000 йилда вилоятда ҳар минг кишига тўғри келадиган тадбиркор 6,1 тани ташкил этган бўлса, 2010 йилда 10,8 кишига етди. 2020 йилда бу салмоқ 2000 йилга нисбатан уч бараварга ортди.

Агар ялпи ҳудудий маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуши 2000 йилда 13,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб бу соҳанинг ҳиссаси 63,6 фоизга етди. 2020 йилда эса хусусий секторнинг улуши 73,9 фоизга ошди. Шунингдек, иш билан банд аҳолининг 85 фоизи нодавлат секторда меҳнат қилапти.

Яна рақамларга мурожаат қиламиз: кейинги йилларда вилоятимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръатлари ўртача 7-7,5 фоизни ташкил этмоқда. Узоққа бормаёлик, 2001 йилда sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилга нисбатан 5,7 фоизга ўсган бўлса, 2011 йилда бу борадаги ўсиш 7,5 фоизни ташкил этди. 2020 йил якуни билан вилоят иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари таъминланиб, ҳудудлар бўйича sanoat маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2,3 фоизга ўсди.

Агар 2001 йилда вилоятда 14 та янги ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилган бўлса, 2010 йилда янги корхоналар сони 200 дан ошди. Ўтган йили эса 8 658 та янги кичик корхона ва микрофирма ташкил қилинди.

Эртага. Барқарор тараққиётнинг самараси ўларок, аҳолининг турмуш даражаси ҳам йил сайин яхшиланиб бормоқда. Буни 2021 йилнинг 1 январь ҳолатига аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 9 минг 780

сўми, аҳоли жон бошига ишлаб чиқарилган sanoat маҳсулотлари 4 минг 619 сўми ташкил этганида ҳам кўришимиз мумкин. Халқимиз даромади ва тўлов-харид қобилияти ошар экан, турмуши фаровон, иқтисоди мустаҳкам бўлиб бораверади. Гап эртанги иқтисодий тараққиёт ҳақида борар экан, бир мисолни келтиришни лозим топдик. Нарпай тумани «Чорбоғ» маҳалласида яшовчи Сарвар Хушиев 29 ёшда. У тумандаги "Mo'jiza I.X.X" масъулияти чекланган жамиятига раҳбарлик қилади. 2019 йилда "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси ҳисобидан 1,5 миллиард сўм имтиёзли кредит олиб, яхна ичимликлар цехини

шуга туширган. Шунингдек, корхонада ойига 20-25 тонна чиқинди қайта ишланиб, 10 тонна полиэтилен пакетлар тайёрланади. Бугунги кунда корхонада 25 нафар тенгдошини иш билан таъминлаган.

Агар 2001 йилда вилоятда 14 та янги ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилган бўлса, 2010 йилда янги корхоналар сони 200 дан ошди. Ўтган йили эса 8 658 та янги кичик корхона ва микрофирма ташкил қилинди.

Сарварбек Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтининг банк иши ва молия факультетини тамомлаб, ўқишининг магистратура йўналишини Хитойдаги "Zhejiang Gongshang" университетининг бизнес бошқарув факультетида давом эттирди. У ерда ўқиш давомида таърибли тадбиркорлар билан танишиб, дўстлар орттирган. Ҳалигача хитойлик ҳамкорлари билан алоқани узгани йўқ. Шунингдек, улар ёрдамида корхона қошида очилган пластик чиқиндиларни қайта ишлаш, полиэтилен пакетлар ишлаб чиқариш цехлари ва темирчилик устахонаси учун зарур ускуналар келтирилди. Унга "Ватанпарварликни қандай тушунасиз?", дея савол берганимизда ўзига хос жавоб берди:

- Донишмандларимиздан бирининг "Мен Ватан байроғини йиғлаб кўзига суртган одамни фидойий ҳисобламайман, йўлда тушиб ётган қозғони чиқинди қутисига ташлаб ўтган киши ундан ватанпарварроқ", деган гапини кўп эслаймаман. Шунинг учун баландпарвоз гаплар айтишни ҳушламайман. Туманимизда тадбиркорлик билан шугулланиш истагида бўлган ёшларга қўлимдан келганча кўмак бераман. Хитойда тўплаган тажрибамга таяниб, тенгдошларимга маҳорат дарслари ўтишдан, маслаҳат беришдан эринмайман. Уларга иш ўринлари яратиш ҳам асосий мақсадим. Менимча, ватанпарварлик шу бўлса керак.

Юртимиз эртаси, келажаги учун ана шундай ёшлар кўп бўлсин!

“Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори” Самарқанддан

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун “ТАШАББУС-2021” кўрик-танловининг республика босқичи ғолиблари аниқланди.



Унда “Йилнинг энг яхши ёш тадбиркори” йўналиши бўйича Ургут туманидаги “URGUT SANOAT SERVIS” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Фазилдин Салимов биринчи ўринни эгаллаб, автомобиль соҳибни бўлди. Шунингдек, Самарқанд

шаҳрида фаолият юритаётган “ZARMED PRATIKSHA HOSPITAL GROUP” масъулияти чекланган жамияти қўшма корхонаси “Энг яхши инвестицион лойиҳа” номинацияси ғолиби бўлди. Савдо-саноат палатаси вилоят ҳудудий бошқармаси ахборот хизмати.

Булунғурлик Сирожидин Бурхонов 21 ёшда. У коллежни битириб, уста хунармандга шогирд тушди, шахмат тахтаси ясашни ўрганди. 2020 йил карантин сабаб ишсиз қолди. Йил охирида сектор раҳбари ва ёшлар учрашувида иштирок этиб, туман ҳокимига мурожаат қилди.

- Туманимиз ҳокими билан учрашиб, шахмат тахтаси яшаш, хунармандчилик билан шугулланиш истагим борлигини айтиб, 30 миллион сўм кредит олишда ёрдам беришини сўрадим, - дейди у. - 4 кунда менга имтиёзли кредит ажратилди. Жорий йилнинг январь ойидан фаолиятимни бошладим. 4 та иш ўрни яратдим. Бир ойда 6 ўлчамда мингдан зиёд шахмат доскаси ясаб, 6 вилоятда сотишни йўлга қўйдик. Ҳозирги кунда Қозғистон Республикасидан ҳам буюртма келяпти. Олган кредитни деярли қайтариб бўлдим. Келгусида фаолиятимни кенгайтириб, маҳсулотларимизни қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилиш ниятидаман.



Бахтиёр МУСТАНОВ олган сурат.

2010 йилда иқтисодий фаолият турлари кесимида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми 6219,7 миллиард сўмга етган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 42 378,1 миллиард сўмни ташкил этди.

Бир рақам ШАРҲИ

Иқтисодий фаолият турлари кесимида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотиданоатнинг улуши 2010 йилда 481 миллиард сўмни ташкил этди. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 6115,7 миллиард сўмга етди.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотиданоатнинг улуши 2010 йилда 481 миллиард сўмни ташкил этган. 2020 йилда эса бу кўрсаткич 6115,7 миллиард сўмга етди.

Экспортёр корхоналарга халқаро стандартлар жорий этилади

Экспорт салоҳиятини оширишда тадбиркорларга ишлаб чиқарган товарларини хорижий давлатларга сотишда қулай шарт-шароитлар ва имкониятларни кенгайтириш жуда муҳим. Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 мартдаги “Ваколатли органларнинг мева-сабзавотлар, тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш учун зарур рухсатнома ва сертификатларни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатлар билан берилган имтиёзлар экспорт ҳажми ва салоҳиятининг ошишига хизмат қилмоқда.

“UzTest” ДУК Самарқанд филиали томонидан корхоналарга “Global G.A.P”, “Oeko-Tex” халқаро стандартларни жорий қилиш ва сертификатлаштириш мақсадида, вилоятимиздаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш

ва тўқимачилик sanoati билан шугулланувчи 13 та корхонанинг ҳужжатлар тўплами Экспортни рағбатлантириш агентлигига юборилди. Бундан ташқари, жорий йилнинг январь-май ойларида вилоятимизда

жойлашган 6 та (“Eco Orient Group” МЧЖ ҚҚ, “Almaz Eco Profi Food” МЧЖ, “Pichokchi Dry Fruits” МЧЖ, “Safobaxsh Sifat Maxsulotlari” МЧЖ, “Agrofirma Bulungur Sandvik” МЧЖ ҚҚ, “Shodiyonabegim” МЧЖ) экспортёр корхоналарга Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 мартдаги қарорига асосан берил мувофиқлик сертификатлари расмийлаштириб берилди. Бунинг натижасида маҳсулотлар экспорт ҳажмининг ошишига ва хорижий бозорларга маҳсулотларимиз кўпроқ кириб боришига эришилди.

Жамшид ДҮСТҚУЛОВ, “UzTest” ДУК Самарқанд филиали маҳсулотлар экспортига кўмаклашиш бюроси вакили.

ИҚТИСОДИЙ ЗОНАНИНГ ИҚТИСОДИЁТДАГИ

1990 йилларда Ургутда 350 мингдан ортиқ аҳоли истоқомат қилар, тамаки ферментлаш заводи ва яна иккита бўз тўқувчи фабрикадан бошқа бирорта sanoat корхонаси йўқ эди. Одамларнинг аксарияти ишсиз, бироз сармоёси бор одамлар савдо-сотиқ билан шугулланарди. Шу пайтларда Россия корхоналарига 45 минг тонна тамаки етказиб берилар, эркаклар ишсиз, аёллар ушбу хонашени етиштириш билан шугулланарди. Кейин ғалла мустақиллиги даври бошланди. Бу пайтда тамаки майдонлари қисқартирилди, Россия, Украина давлатларида тамакиимизга талаб сусайди.

Тамаки ва узум етиштириш билан аҳолини боқиб бўлмайди
1994 йилда Ургутга хорижий сармоё киритилиб, “УЗБАТ” қўшма корхонаси ташкил этилди. Аммо бу билан қўзланган маргага етишиб бўлмайди, чунки аҳоли сони ўсиб борарди. Бу билан аҳолини боқиб мушкул эди. Ўша пайтларда Ургут тумани фақат тамакига ихтисослашган ҳудуд эди. Ҳатто тамакини тизадиган сим ҳам четдан келтириларди. Туманимиз Мўминобод, Ғўс, Испанза, Тўртқўл каби юқори ҳудудларида сув танқислиги туфайли 7 минг гектарга яқин майдонда тоқзорлар бор эди. Улар етиштирган майизни ғўслиқлар Россия ва бошқа давлатларга экспорт қиларди. Туманимиз 50-60 фоиз ерлари насосларда суғориларди, чунки электр энергиясига ҳозиргидек катта эҳтиёж йўқ эди. Хонадонларда телевизорлар кам, бармоқ билан санокли одамлардагина музлаткич бор эди. Кейинчалик электр энергиясида истеъмолчи кўпайди, эҳтиёж ортиб борди. Ерларга сув чиқариш имконияти янада камайди. Шу боис, яна тоқчиликка эътибор кучайди. Тоқзорлар майдони 10 минг гектаргача кенгайди, тоғли ҳудудларга ҳам мешларда сув чиқариб, тоқ экиш бошланди. Аҳоли эса йил сайин кўпайиб борди. Шунда sanoatни ривожлантириш мақсадида маҳаллийлаштиришни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳужжатлар қабул қилинди. Бу тадбиркорга катта энгиллик ва имтиёзлар берди.

Иложсизлик имконият яратади
Ургутнинг марказида азалдан уздабурон одамлар кўп бўлган, яъни ишбилармонлик уларнинг қонида бор. Масалан, Ғўс ҳудудида икки туپ помидор экиш у ёқда турсин, ер йўқлигидан яшаш уйлари жуда зич жойлашган. Лекин уздабуронлиги туфайли бошқа жойда 1 гектар ери бор одамлардан кўра яхши яшайди. Нимадан, десангиз хунармандчилик, тадбиркорликдан. Муборак китобларда ҳам энг улғў 10 хислатнинг 9 таси тижоратда, савдогарликда дейилади. Лекин авваллари четдан юк келтириб сотганлар чайқовчиға чиқариларди, улар ўша пайтдаги орган ходимларининг таъқибидан қочиб, бекитиб сотишарди. Кейинчалик йўллар очилди, тадбиркорликка имкониятлар кенгайди. Шунинг учун аксарият ишбилармон одамлар тижоратни йўлга қўйишди, энди кўпроқ маҳсулот олиб келиб, расталарга ёйиб сотиш бошланди. Айниқса, 2000 йиллардан бошлаб хориждан маҳсулот келтириб сотиш кўпайди. Хориждаги ишбилармонлар билан дўстлашиши, ишлаб чиқариш заводларига киришиди, уларнинг ишини ўрганди. Кейин шу маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш имконияти борлигини кўриб улардан ишни ўрганиб, ускуналар харид қилишди. Бизда асосан sanoatнинг ривожланиши, хорижий ускуналарнинг кириб келиши 2000 йилдан кейин бошланди. Аввал гиламчилик корхонаси, кейин пластмасс қувурлар



ишлаб чиқариш ускуналари кириб келди. Хориждан ҳамкорлар жалб этилди. Тадбиркорлар кўрдик, четдан импорт қилгандан кўра, маҳсулотни шу ерда ишлаб чиқариш самарали бўлади. Асосийси, бозорга ўзи товар чиқаради, оиласини олдида бўлади, одамларни иш билан таъминлайди ва яхши даромадга эга бўлади. Шундай қилиб sanoat ривожланиб борди. Бир неча йилдан сўнг туманимиз Мерганча ҳудудида sanoat зонаси ташкил этиш гоёси амалга оширила бошланди ва Жомбой туманидан электр тармоғи тортилди. Ўша пайтларда аҳолига ҳам, ҳокимликка ҳам бермасдан фақат тадбиркорларга, ишлаб чиқариш корхоналарига доимий электр энергияси етказиб бериларди.

ПАСТ ДАРҒОМДА ИМПОРТ ПАСТ, ЭКСПОРТ ЮҚОРИ

Истаймизми-йўқми, юртимиз мустақиллиги яқинлашаётган кунларда "Истиқлол бизга нима берди? Ҳаётимизда қандай ўзгариш ясади?" деган саволлар ҳаёлимиздан ўтади. Жавоб ҳам ҳаётий: аввало, одамлар ўзгарди. Уларнинг онгу тафаккури янгиланди. Дунёқараши ўсди, эртанги кунга ишончи ортди.

Балки шунинг учундир, ҳаётимизнинг ҳар дами янгиликлар, ўзгаришларга бой. Биргина тадбиркорлик ва бунёдкорлик ишларини олайлик. Аҳолига қўлайлик яратиш, иқтисодийни ривожлантириш, фаровонликни таъминлаш ҳали у туманда, ҳали бунисиде яққол намоён бўлиб турибди. Хусусан, Паст Дарғом туманида амалга оширилаётган лойиҳаларни кўриб чиқсак, истиқлол ислохотларининг натижалари яққол намоён бўлади.

САЛМОҚЛИ УЛУШ КИЧИК КОРХОНАЛАР ҲИСОБИДА

Айни кунда туманда рўйхатга олинган кичик бизнес субъектлари сони 2 минг 936 тани ташкил этиб, шундан 2 минг 800 га яқин кичик ва хусусий бизнес корхоналари фаолият кўрсатяпти.

Ўтган йилнинг ўзиде 742 та юридик мақомга эга корхона ва ташкилот ташкил этилгани ва шундан 700 таси кичик бизнес субъектлари экани, улар фаолиятини изчил йўлга қўйиб олганликлари туманда хусусий тармокни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилаётганидан дарак бериб турибди. Шунингдек, туманда 2021 йил 1 январь ҳолатига 20 га яқин қўша корхона фаолият кўрсатмоқда.

Бундан атиги тўрт-беш йил аввал кичик ва хусусий бизнеснинг туман яли ички маҳсулоти ҳажмидаги улуши 55 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган йилга келиб бу кўрсаткич 80,2 фоизни ташкил этди. Ёки, 2020 йилда туман бўйича ҳудудий экспорт кўрсаткичлари 17 миллион 493 минг долларни, мева-сабзавот маҳсулотлари экспорти 2 миллион 549 минг долларни ташкил этган бўлса, унинг асосий қисми хусусий секторга тааллуқли корхоналарнинг ташки савдо айланмаси кўрсаткичларида акс этди. Бу солиштирма рақамлар эса кейинги йилларда кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари тобора яли маҳсулот ишлаб чиқаришда ҳукмронликни, иқтисодий дастлавлар ҳаракатини ўз измига олаётганидан далолат бериб турибди.

Сир эмас, иқтисодийга чет эл сармоядорларини жалб қилиш, замонавий технологияларни, янги тажрибаларни киритиш бугунги кундаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бу борада туманда амалга оширилган ишлар вилоятимиздаги бошқа туманларга ибрат бўлгулик. Ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланаётган ўнлаб корхоналар цехлари ва дунёнинг энг илгор технологияларини ўрнатиб, шу орқали сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйганлар. Шу боис ҳам маҳсулотлар пешма-пеш хорижда экспорт қилинганда ҳамда импорт ўрнини босиб, бозорларимизни тўлдиряпти.

Туманимиздаги "Самарқанд камалак инвест текстил" масъулияти чекланган жамиятини ана шундай корхоналар сирасига киритсак бўлади, - дейди туман ҳокими ўринбосари Жамшид Пардаев. - Жумладан, ўтган йил 6 миллион 302 минг АҚШ долларига тенг маҳсулотни Туркия ва Россия давлатларига экспорт қилдик. Айни пайтда ҳам корхона жамоасининг сифатли маҳсулотларига хорижда харидор кўп. Шунинг учун жорий йилнинг 5 ойи давомида 4 миллион 193 минг АҚШ долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Корхона йил якунигача 7 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишни мўлжаллаган.

Дарвоқе, ҳозирда корхона 2021-2022 йилга мўлжалланган 281 миллион сўмлик лойиҳани амалга оширмоқда. Бунинг учун Чортут маҳалласи ҳудудидан 3,5 гектар ер майдони ажатиб берилди. Йиллик ишлаб чиқариш қуввати 11 минг тонна ип калава ҳамда тайёр маю тайёрлаш бўлган ушбу янги "Камалак фэйз инвест текстил" корхонаси фаолиятини ишга тушириш учун хорижий кредит линиясидан 22 миллион



доллар кредит олинган бўлса, Самарқанд "Камалак инвест текстил" МЧЖ ўз ҳисобидан 50 миллиард сўм сарфламоқда. Корхона 2022 йил декабрда ишга тушади, шунда 300 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланади.

Умуман, 2021-2022 йилда туманимизда умумий қиймати 3 триллион 160,9 миллиард сўмлик 78 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади. Бунинг учун 208 миллион 500 минг АҚШ долларига тенг хорижий инвестиция жалб этилади ва 2 минг 207 та янги иш ўрни яратилади.

"ЎЗБИОКОМБИНАТ": ДАРҒОМДА ОРТИДИ, ФАРОВОНЛИК ҲАМ

Истиқлол экинларининг Паст Дарғомга таъсири ҳақида сўз борар экан, биринчи навбатда "Ўзбиокөмбинат" Ўзбекистон-Буюк Британия-Россия қўша корхонаси ёдга келади. Аҳамиятисиз, ушбу корхонада илк маҳсулот ишлаб чиқарилганига ҳам салкам 60 йил бўлибди.

Тўғри, собиқ иттифоқда ягона саналган комбинат мустақиллик йилларига бариқор фаолият юритди. Аммо 1991 йилга келиб, ишлаб чиқарилган ветеринария препаратларига харидор кескин камайди, корхона маҳсулотлари омондорларда қолиб кетди, оқибатда инкироз ботқоғига ботди.

- 2008 йилда ҳукумат қарори билан корхонада модернизация ишлари бошлаб юборилди, - дейди корхонанинг ташкил иқтисодий алоқалар бўлими бошлиғи Шерзод Худоевров. - 2012 йилга келиб комбинатимиз яна чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун препаратлар ишлаб чиқарадиган йирик замонавий саноат мажмуғи айлантирилди ва секин-аста қаддини тиклаб борди. Маҳсулотимиз 2015 йилдан буён чет мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Шу пайтга қадар дори воситалари-ривизитинг 35 фоизи Афғонистон, Озарбайжон ва Тожикистон давлатларига сотилган бўлса, эндиликда экспорт географиясини кенгайтириш борасида қатор давлатлар билан музокаралар олиб борилмоқда.

Дарҳақиқат, корхонанинг кейинги 8 йиллик фаолиятига назар ташласангиз, бу ерда тилга олса аризулик иқтисодий ўсмиш бўлганлигини кўрасиз. Жумладан, корхонада 2013 йилда 20 турдаги дори воситалари тайёрланган бўлса, 2016 йилда 40 хил, 2020 йилга келиб эса 50 хил "Ивермектин-10", "Клозентел", "Гельминтол", "Энрофлоксацин", "Гентамицин", "Бупарвалек", "Тривитамекс" каби антипаратизар, антибакте-риал, антибиотик ва витаминлар ишлаб чиқарилди.

Ёки, "Ўзбиокөмбинат" 2013 йилда 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарган бўлса, 2016 йилга келиб 8 миллиард сўмлик, ўтган йили эса 29 миллиард сўмлик ветеринария препаратлари ишлаб чиқаришга эришди. Ишчилар сони

ҳам йилдан-йилга ортди: 2013 йилда корхонада 50 нафар ишчи-мутахассислар ишлаган бўлса, 2016 йилга келиб улар сони 130 нафар бўлди, 2020 йилда улар сафига яна 20 нафар ходим қўшилди.

- Бу ютуқларимиз омили қуйидаги учта жиҳатда деб ўйлайман, - дейди Ш.Худоевров. - Биринчидан, корхонаимизнинг ишлаб чиқариш цехлари ва лабораторияга Россия ҳамда Германиядан келтирилган замонавий усқуналар ўрнатдик. Иккинчидан, ички ва ташқи бозорни чуқур ўргандик, таҳлил қилдик ва харидорғир, яъни ҳайвонлар касаллигининг олдини олиш учун зарур бўлган сифатли препаратлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик. Учунчидан, ишчиларимиз малакасини оширдик. Ҳозирда корхонамизда беларуслик тажрибали мутахассис, ветеринар-олим Владимир Кривоқолият юритмоқда ва ҳар бир ишчи-ходим билим ҳамда малакасини ошириш учун бор маҳоратини ишга солмоқда. Шу жиҳатлар боис ишчиларимизнинг маошлари ҳам ошиб бормоқда. 2013 йилда уларнинг ўртача ойлик маоши 450-500 минг сўм атрофида бўлган бўлса, 2016 йили ўртача маош 1 миллион сўм атрофида бўлди, ўтган йилда эса 2-2,5 миллион сўмдан ошди.

ТЕМИР-БЕТОН УСТУНЛАР ҚАТОРТЕРАҚДА ЧИҚАДИ

Маълумотларга кўра, ҳозирда туманда 646 та саноат корхонаси давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, уларнинг 611 таси ўз фаолиятини давом эттирмоқда. Бу корхоналарда 4 мингга яқин фуқаро фаолият юритиб, рўзгор тебратяди. Муҳими, уларнинг аксарияти олис қишлоқларда фаолият юритяпти.

Масалан, замонавий темир-бетон маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Бунёдкор обод Паст Дарғом» давлат унитар корхонаси туманининг Қатортеера қишлоғида жойлашган. Ушбу қишлоқ атрофида Парчақора, Манғит обод, Катта Найман, Зангибойи, Бахшибойи, Равот, Эски Жума маҳаллалари ёшларини муқим иш билан таъминлаб келаётган бу кичик корхона қисқа муддат ичида тумандаги кўзга кўринган саноат корхоналаридан бирига айланади.

- Корхонамиз 2019 йилнинг ноябрь ойида ташкил этилди, 2020 йил февралдан фаолият бошладик, - дейди корхона раҳбари Ақрам Бўриев. - Дастлаб фақат буюртма асосида маҳсулот ишлаб чиқардик. Аҳоли ва корхона-ташкilotларнинг темир-бетон маҳсулотларига бўлган талабини чуқур ўргандик ва харидор талабига кўра, 10 хилдаги сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришдик.

Корхона Россия ва Эрон давлатларидан келтирилган технологиялар асосида кунига буюртмага кўра тайёр бетон қоришма, 55-60 донагача турли ўлчамдаги бетон плиталари ишлаб чиқармоқда. Бундан ташқари, фесблуклар, қудуқлар учун бетон қувурлар, электр симлари учун темирбетон устунлар, шлакаблук, бетонли лоток, тротуар-плиткалар ишлаб чиқариляпти. Корхона 2020 йилда 61 миллиард 728 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди, соф фойда 264 миллион сўмни ташкил этди. Буюм ҳудуд равнақи, аҳоли турмуш даражаси юксалишида маълум аҳамият касб этяди.

Мустақиллигимизнинг 30 йиллиги баҳона Паст Дарғомда иқтисодий соҳаси тараққий этиб бораётганини кўрдик. Муҳими, бу ерда иқтисодий кўрсаткичлари каби одамлар, тадбиркорларнинг мақсадлари ҳам салмоқли. Рақамлар, лойиҳалар, янги иш ўринлари... булар, шубҳасиз, фаровонлик рами. Қувонарлиси, амалга оширилаётган бунёдкорлик, ободонлаштириш, яратиш ишлари фақат яхшиликка, эзуликка хизмат қилляпти, инсон қадр-қимматини янада юқори поғонага кўтармоқда, элнинг дастурхони тўкин, турмуши фаровон, тинчлик-осойишталикда умргузаронлик қилмоқда.

Ақрам ҲАЙДАРОВ,
«Зарафшон» муҳбири.

Жамшид ҚАРШИЕВ,
Қўшработ туманидаги "Оспан-Кар
Инвест" масъулияти чекланган
жамияти раҳбари.

30 йил олдин мактабда ўқитувчи бўлиб ишлардим. Ўша пайтларда чет элдаги тадбиркорларни, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларни кўриб, бизда ҳам шундай корхоналар қуришнинг имкони бўлармикан, деб ўйлардим.

Ўқитувчи эдим, бугун тадбиркорман



Ўқитувчиларнинг маоши камлигидан рўзгорни тебратиш учун Қозғистонга ишлашга кетишим мажбур бўлдим. Қозғистонда 10 йил тадбиркорлик фаолияти билан шуғулландим. Бу ерда шу соҳада бироз тажриба бор эди, ишим қозғистонлик тадбиркорларга маъқул

келиб, мени ишга таклиф этишди. Кейин бу ердан ишчилар олиб бордим, улар ҳам хунар ўрганишди.

У ерда тиббий ёўналишида фаолият юритиб, протез ортопедия буюмлари, махсус оёқ кийимлари ва тиббий эшаклари ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.

Кейинги йилларда давлатимизда тадбиркорликка эътибор кучайиб, шароитлар яратилган, фаолиятимизни ўз юртимизда давом эттириш фикри тўғрисида ва ишлаб чиқаришни шу ерга кўчирдик. Қозғистонлик тадбиркорлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, ишлаб чиқаришни бошладик. Ҳозир ўзимизда ишлайман, деган кишига барча шароит яратилди. Қўша корхоналар кўп, бирорта зарур маҳсулот ёки хомашёни чет элдан олмаимиз. Кўпчилик Қўшработни олис ҳудуд, деб тадбиркорликни бошлашга бироз чўчийди, имконият кам деб ҳисоблайди. Мен олис бўлса ҳам Қўшработни танладим. Туман ҳокимлиги вакиллари менга узлуксиз электр энергияси, табиий газ тармоқларини таъминлаб беришди. Кейин ўша ерда қурилиш қилиб, ишлаб чиқаришни бошладик. Тўғри, йўл бироз олис, лекин ишлайман деган тадбиркорга бу тўсиқ бўлмайди.

Ҳозир Самарқанд шаҳрида иккита савдо дўконимиз бор ва ишлаб чиқариш цехларимиз Қўшработ туманида жойлашган. Биз ортопедия соҳасидаги бош бармоқдан тортиб, бўйингача, бел, тизза, умуртқа поғоналари каби 21 турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарамиз. Кунига буюртмага кўра, 100-150 тагача маҳсулот тайёрлаймиз. Ҳозир шартнома асосида Қорақалпоғистоннинг Нукус ва Самарқанд шаҳридаги ижтимоий таъминот ишларини олдик. Яна Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларга аёллар ва эркеклар учун оёқ кийимлар етказиб бериш бўйича шартнома қилишни режалаштириб турибмиз. Хомашё, яъни ишлов берилган терини водий вилоятларидан оляпмиз, фақат сармоя киритиб, Германиядан замонавий усқуналар харид қилсак, кейинчалик терини ҳам ўзимизда тайёрлаймиз. Чунки ўзимизда тери арзон.

Маҳсулотларимизни асосан ички бозорга сотаямиз. Кейинги йиллардан Марказий Осиё бозорига ҳам чиқиш ниятидаимиз.

САМАРАСИ ҚАНДАЙ?

Эркин иқтисодий зона афзалликлари нимада?

Мамлакатимизда 1996 йилда "Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Президентимизнинг 2008 йил 2 декабрда "Навойи вилояти эркин иқтисодий зонасини ташкил қилиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Шу тарих эркин иқтисодий зоналар фаолияти бошланди. Ҳозир республикамизда 22 та шундай иқтисодий ҳудудлар фаолият юритмоқда. Дастлаб "Навойи", "Ангрэн", "Жиззах" ЭИЗлари, кейин "Ургут", "Ўзғир", "Хазорасп" ва "Қўқон" эркин иқтисодий зоналари ташкил топди. Лекин ҳозирда салохият жихатидан "Ургут" эркин иқтисодий зонаси пешқадамлар сафига қўшилди. Бу ердаги корхоналарнинг замирида шу ердаги халқнинг тадбиркорлиги, ҳаракатчанлиги давлат томонидан кредит олишда яратилган имтиёзлардан оқилона фойдаланиши ётибди.

Президентимизнинг 2017 йил 12 январдаги Фармони асосан "Ургут" ЭИЗга туман ҳудудидан 390 гектар, Паст Дарғом туманидан 66 гектар, Нуробод туманидан 360 гектар ва Самарқанд шаҳридан 102 гектар, жами 918 гектар ер майдони ажратилди. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 мартдаги қарори билан яна Самарқанд шаҳар Хишрав-2 қўрғонидан 294 гектар, Ургут туманининг Ўрамас маҳалласидан 50 гектар ер қўшиб берилди, "Ургут" ЭИЗнинг майдони 1 262 гектарга етказилди.

Ҳозиргача ЭИЗда жойлаштириш учун қиймати 431,4 миллион долларлик 94 та инвестиция лойиҳаси қабул қилинди. 2018 йилда "Ургут" эркин иқтисодий зонасидаги 16 та лойиҳага 59,3 миллион доллар сармоя киритилиб, 690 та иш ўрни яратилди. Йил якуни билан ишга тушган корхоналар томонидан 294 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, шундан 8,6 миллион долларлик товарлар экспорт қилинди. 2019 йилда

4

эса корхоналар сони 25 тага кўпайиб, ишга тушган лойиҳалар 41 тага етди. Улар 784 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва 30,2 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилди. 2020 йилда фаолият бошлаган корхоналар сони 55 тага етиб, ишлаб чиқариш ҳажми 1 трлн. 1,2 млрд. сўмни ташкил этди. Жорий йилнинг 5 ойида 56 та лойиҳа фойдаланишга қабул қилиниб, уларга 272,6 миллион доллар сармоя жалб этилди ва қарийб 3900 га яқин доимий иш ўрни яратилди. Улар томонидан шу даврда 704,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, 18 миллион долларлик товарлар хориж бозорларига сотилди. ЭИЗга жойлаштирилган лойиҳаларига соҳалар кесимида таҳлил қилсак, асосий корхоналар енгил саноат, чарм-пойабзал, электротехника, кимё саноати ва бошқа йўналишлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Ҳозирда қиймати 115 миллион долларлик 38 та лойиҳада қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳалар ишга туширилиши натижа-сида 3150 дан ортқ янги иш ўрни яратилади. Йил якунигача эса 24,6 миллион доллар сармоя киритилиб, уларнинг 15 таси ишга туширилди ва 680 дан ортқ фуқаро доимий иш ўрнига эга бўлади.

ЭИЗ дирекцияси томонидан йилнинг ўтган даврида 10 мингдан ортқ иш ўрнига эга 505 миллион долларлик 37 та лойиҳа шакллантирилди. 30 та лойиҳа ўрганиб чиқилмоқда, 7 таси эса ҳулоса олиш учун экспертиза идораларига юборилди. Ҳозиргача "Ургут" эркин иқтисодий зонасига кирувчи 5 та массивда 250 хилдаги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилмоқда.

5

Энди туманинг барча ҳудудидеги корхоналар ЭИЗга аъзо бўла олади

Туман ҳудудидеги экспортбоп, саноат ишлаб чиқариш имконияти бор ҳудудлар иқтисодий зона ҳудудига кириши мумкин. Яъни, туманининг бошқа ҳудудидеги йирик ишлаб чиқариш корхонаси белгиланган талабларга мос келса, зонага аъзо бўлиб, берилган имтиёзлардан фойдаланади. Улар экспортбоп, импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқарса, коммуникация, алоқа билан тўлиқ таъминланади. Экспорт қилган маҳсулотни учун 15 фоиз божхона имтиёзи, четдан келтириладиган усқуналари қўшилган қиймат солиғидан озод этилади. Ер, мулк, фойда солиғидан 50 фоизгача, сув солиғидан белгиланган муддатларгача енгиллик яратилган, киритган сармоясига кўра, 3 йилдан 10 йилгача солиқдан озод қилинган.

Иқтисодий зона дирекцияси раҳбари ҳоким ўринбосарига тенглаштирилди

Бу аввало, масъулият, қолаверса, имконият ҳамдир. Тадбиркорлар ва эркин иқтисодий зонани ривожлантиришга янада кенгроқ имконият яратилляпти. Биринчидан, иқтисодий зона дирекцияси директори бевосита тадбиркорлар билан ишлагани боис уларнинг даради, муаммоси, ташвишини билади. Керак бўлса, муаммоларга ечим топш масала-сида ҳам ўз фикрига эга. Яна юқориде айтганимдек, туманлардан ҳам иқтисодий зонага ер ажратилладиган бўлиб, уларнинг фаолияти йўлга қўйишда бевосита иштирок этиш талаб этилади. Булар албатта, тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Жамшид ҲАЙДАРОВ, вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси дирекцияси директори.



6

Вилоятимиз ҳудудларида кўрсатилган хизматлар ҳажми 2010 йилда 1 799,3 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 14 318,8 миллиард сўмни ташкил этди.

Сотувчилик ортидан корхона эгаси бўлдик

Машраб ФАЙЗИЕВ,
Ургут туманидаги "REAL SPORT SHOES"
масъулияти чекланган жамияти иш юритувчиси

- Давлатимиз истиқлолга эришган пайтда қийинчилик кузатилиб, рўзгор тебратиш оғирлашиб қолди. Оила тебратиш учун турли ишларни қўриб кўрдик, кейин «Ота-бобимиз тижорат билан шуғулланган, биз ҳам уларнинг касбини давом эттирсак қандай бўларкан» дея ўйлаб қолдик.

Шундай қилиб 20 йил аввал Хитойдан турли хил харидорғир товарлар олиб келиб бозорда сотиб кўрдик. Кейинчалик оёқ кийим бизнесига ўтдик. Йиллар давомида улар билан ҳамкор бўлиб кетдик. 4-5 йил олдин Хитойдан товар эмас, усқуна келтириб шу ерда ишлаб чиқариш яхши манфаатдорлик келтиришини ҳисоблаб чиқдик. Бунинг учун хомашёни Хитойдан келтирамиз, ишчи кучи шу ерда бор. Асосийси, даромад ортади, яна аҳоли ишли бўлади. "Ургут" эркин иқтисодий зонаси ташкил этилган, шу ердан ериб



корхонани қўрдик. Мавсумга қараб эркеклар, аёллар ва болалар оёқ кийимлари ишлаб чиқаряпмиз. Ҳозир ёзги енгил оёқ кийимлар, қишда эса спорт оёқ кийимлари (қроссовка), этиклар ишлаб чиқаряпмиз. Махсулотимизни ички бозордан ташқари, Қозғистон, Тожикистон бозорларига экспорт қилаяпмиз. Ҳар йили маҳсулот турларини янгилаб, дизайнни ўзгартириб борапмиз. Энди маҳсулот турларини кўпайтириш ва экспорт географиясини ошириш борасида янги лойиҳаларни ўрганапмиз.

Моҳир хонанда, Ўзбекистон халқ артисти, тажрибали педагог, СамДУ профессори Абдурашид Эргашев ибратли, юзида ҳаётга меҳр акс этиб турган юртдошларимиздан.

Самарқанднинг қўқонлик халқ ҳофизи

80 ёшни қаршилади

“Ҳамза”, “Кечам тонг отди”, “Омонёр” каби кинофильмларда халқ кўшиқларини ижро этиб, овози тасмаларда мухрланди.

1964 йилда Самарқандда янги очилган Ҳамид Олимжон номли опера ва балет театрига Мухтор Ашрафий таклифи билан ишга келган Абдурашид Эргашев том маънода ушбу санъат ва маънавият масканининг устунларидан бири бўлди, десак муболага бўлмайди. Ҳамид Олимжоннинг устунларидан бири бўлди, десак муболага бўлмайди. Ҳамид Олимжоннинг устунларидан бири бўлди, десак муболага бўлмайди.



Каё, “Борис Годунов”да Самозванец шулар жумласидандир. Бу образлар А.Эргашевнинг нақадар қобилияти санъаткор эканлиги унинг лирик драматик тенор овозга эгаллигидан далолат беради.

Маълумки, ўзбек халқ кўшиқлари “очик овоз”да, вокал асарларини эса “ёпиқ овоз” билан куйлаш талаб этилади. Лекин Абдурашид Эргашев халқ кўшиқларини ҳам, арияларини ҳам ярим очик овозда куйлашни ўзлаштирган. Бу маҳорат халқ кўшиқларини бузиб айтишдан сақлайди ва шунинг билан бирга опера арияларини халқ учун тушунарли ва ёқимли оҳангларда етказишни таъминлайди.

А.Эргашев томонидан куйланган

бир қанча кўшиқлар, жумладан, “Сирдарё қизи”, “Зуҳронинг ишқи”, “Фарғона тонг отгучи”, “Кечам тонг отди” сингари ўнлаб йирик асарлар ўзбекистон радиосининг олтин фондида сақланмоқда.

Шариф Акрамов шеъри ва мусиқаси билан айтилган “Жон Самарқанд” ашуласи Самарқанд мадҳиясига айланиб, ҳозирда ҳам барча тadbирларда, байрамларда шогирдлари томонидан куйланиб келмоқда.

Абдурашид Эргашев устоз хонанда, моҳир педагог ҳамда файзли хонандоннинг бошлиғи, невар ва чевараларнинг суюкли бобожониси. Умр йўдоши Дилором ая билан Самарқанд опера ва балет театрида биргаликда 40 йилдан ортиқ ижод қилди.

Абдурашид Эргашевнинг санъат соҳасидаги хизматлари давлатимиз томонидан юксак баҳолалиб, 1972 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, 1988 йилда Ўзбекистон халқ артисти унвонларига сазовор бўлди.

Ҳозирги кунда Абдурашид Эргашев Самарқанд давлат университети санъатшунослик факультетининг мусиқа таълими кафедрасида фаолиятини давом эттирмоқда. Унинг шогирдлари кўплаб нуфузли танловларда ғолиб бўлиб, мусиқа санъатига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда.


Устоз яқин кунларда муборак саксон ёшини қаршилади.

Шумурод МУСТАФОЕВ, СамДУ мусиқа таълими кафедраси муdiri Бахтиёр БОЛТАЕВ, катта ўқитувчи.

Самарқанд шаҳар Галаосиё маҳалласида яшовчи Абдукарим Шарипов масжид қуришдек улуғ савобли ишни амалга оширишга бел боғлади. Маҳалласида кўп йиллар олдин ёпилган масжид вақт ўтиши билан қаровсиз ҳолга келган эди. Ҳаттоки, йиллар ўтиб, аввал хўжалик пилла-хонаси, кейинчалик ташландиқ ва қаровсиз харобага айланди.

Савоб ишлар инсонни улуғлайди

70 ёшни қаршилаётган Абдукарим ака шу маҳаллада туғилиб ўсган. 1969-1971 йилларда ҳарбий хизматдан сўнг Самарқанд шаҳридаги 8-автотранспорт жамланмасида қарий 40 йил ҳайдовчилик қилиб, нафақага чиқди. Турмуш ўртоғи Замира она ошпазлик қилди.



ибодатларни ўз маҳалласидаги масжидда адо этсам деб, орзу қилди.

Ҳақиқатда масжид қуриш катта маблагни талаб этади, - дейди Абдукарим ака. - Ниятимни оилам ва фарзандларим маъқуллағач, маҳалладошларга билдирдим, улар ҳам бу улуғ савобли ишга қўшилишди. Шундай қилиб, 4 йил олдин масжид қуриши бошладик. Катта ўғлим Дилшод менга ёрдамчи бўлди, укалари Зафар, Жафар ва Жўрабеклар эса бизни қўллаб туришди. Ҳозир ҳашар йўли билан уч қаватли янги масжид қуриб битказилди. Масжидда икки минг киши, атрофида эса яна уч минг киши намоз ўқиши учун шароит яратилди. Юртимиз истиқлолнинг 30 йиллик шодиёналарини арафасида фойдаланишга топширилган масжид биноси ташқи ёрдамсиз, фақат Галаосиё маҳалласи аҳлининг маблаглари ҳисобидан, ҳашар йўли билан қуриб битказилди.

Абдукарим ака турмуш ўртоғи билан тўрт фарзандни тарбиялади. Ҳозир улар тadbиркорлик билан шуғулланиди. Абдукарим ака оиласи, яқинлари, 15 набира, 2 эвараси даврасида 70 ёшини қаршиламоқда.

Салоҳиддин ЗОҲИДОВ.

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққати!

Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг 2021 йил 9 апрелдаги 199/28-VI-сонли, Самарқанд вилояти ҳокимининг 2020 йил 23 сентябрдаги 147-Қ-сонли ҳамда 2020 йил 2 декабрдаги 190-Қ-сонли қарорларига асосан “E-IRO AUKSION” электрон савдо майдончаси орқали сотилиши белгиланган давлат мулки объектлари бўйича

САВДОЛАР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

Table with 10 columns: T/p, Object name, Balance status, Auction location, Bidder name, Bid amount, Lot area, Investment type, Auction date, and Bid deadline.

Аукционда қатнашиш тартиби

Ушбу объектларни “E-IRO AUKSION” ягона электрон савдо майдончаси орқали сотиб олиш Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги “Электрон он-лайн аукционлари ташкил этиш маркази” ДУКнинг “e-auction.uz” сайт майдончасида ўтказилиши режалаштирилган. Савдоларда қатнашиш истигади бўлган жисмоний ва юридик шахслар хатлов ва баҳолаш ишлари якунлангандан кейин “e-auction.uz” сайтида қондалар билан танишган ҳолда рўйхатдан ўтиб, савдо жараёнларида қатнашишлари мумкин.

тегишли маълумотга эга бўлишлари мумкин. Аукцион савдосига қўйилган ҳар бир мол-мулкка тизим ўзига хос такрорланмайдиган ЛОТ рақами беради. Аукцион савдосида қатнашмоқчи бўлган жисмоний ва юридик шахслар бино ҳақидаги маълумотларга эга бўлиб, шу ерда кўрсатилган банк реквизитларига кўрсатилган закалат маблагини тўлаган (тўлов ҳужжатига аукциондаги ЛОТ рақами кўрсатилиши керак) ҳолда аукцион савдосида қатнашиш учун электрон тарзда ариза беришлари лозим. Электрон тарзда ариза бериш жараёнида иштирокчи томонидан электрон рақами имзо билан имзолаган ҳолда ариза юборилади. Ариза электрон тарзда юборилгач, иштирокчининг “Шахсий кабинет”га ариза қабул қилинганлиги ёки қайтарилганлиги тўғрисида жавоб хабари келади. Аукцион савдосида қатнашиш учун ариза бериш сайтида кўрсатилган мuddатда тўхтатилади.

Аукцион жараёни: Иштирокчилар томонидан савдода қатнашиш учун ариза берилгандан сўнг, савдо бошлангандан кунда (вақтда) иштирокчилар “e-auction.uz” сайтида махсус логин ва паролларини турган ҳолда “Шахсий кабинет”га кирилади ва “Кабинет”га ўтилгандан сўнг “Менинг аукционларим” бўлимидан қатнашмоқчи бўлган аукцион танланади. Шунда дастур томонидан “Иштирок этишни тасдиқлаш” сўралади, иштирок этиш тасдиқлангандан сўнг савдо жараёнида иштирок этиш мумкин бўлади (аукцион савдо ўтказиш кун соат 9:00 да бошланади). Аукционда қатнашувчиларга дастур томонидан алоҳида тартиб рақам берилади. Аукционнинг бошланғич иштирокчилардан ЛОТни бошланғич нархдан битта кадамга оширилган нархда сотиб олиш бўйича таклифини тасдиқлашни сўрашдан бошланади. Агар, таклиф берилгандан кейин 10 дақиқа давомида аукцион иштирокчиларидан бири белгиланган кадамга оширилган ЛОТ нархини тасдиқласа, кейинги таклифини тасдиқлаш учун вақт яна 10 дақиқага узайтирилади. Агар, тасдиқланган охириги таклифдан сўнг 10 дақиқа давомида кейинги оширилган ЛОТ нархи бўйича таклиф аукцион иштирокчиларининг бирортаси томонидан тасдиқланмаса, савдо аукцион натижалари ҳақидаги баённомани автоматик тарзда шакллантирган ҳолда якунланади. ЛОТ нархи бўйича таклифини охириги тасдиқланган иштирокчи аукцион ғолиби деб топилди. Шундан сўнг иштирокчига ғолиблик баённомаси топширилади ёки иштирокчи билан келишган ҳолда почта жўнатмаси орқали юборилади.

Савдолар натижалари бўйича ғолиблик баённомаси Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармасига тақдим этилган санадан бошлаб 10 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади. Аукционда иштирок этгандан сўнг ғолиб бўлмаган иштирокчиларга закалат пулларини қайтариш иштирокчиларнинг электрон тарзда берган аризаларига асосан кўрсатилган ҳисоб рақамга қайтариб берилади ёки кейинги савдоларда қатнашиш учун ўтказилиши мумкин. Қўшимча маълумотларни олиш учун манзил: Самарқанд шаҳри Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. Давлат активларини бошқариш агентлиги Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси, давлат активларини сотишга тайёрлаш ва сотиш ишларини мувофиқлаштириш бўлими. Маълумот учун телефонлар: 66-233-73-54, 91-537-32-12. Факс: 66-233-73-54. “Facebook”даги расмий саҳифа: Sam Dav Aktiv Веб-саҳифа: privatization.davaktiv.uz Интернет тармоғидаги веб-сайт: samarqand@davaktiv.uz

ИЖАРАГА ЖОЙ КЕРАКМИ?

Бўш турган объектлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш марказининг Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси Самарқанд вилояти бўйича қуйидаги объектлар ижарага берилишини маълум қилади:

Table with 5 columns: T/p, Object name, Location, Purpose, and Contact info.

Zarafshon logo and address information.

MUASSIS: «Zarafshon» va «Самарқандский вестник» gazetalari tahririyati mas'uliyati cheklangan jamiyati

Bosh muharrir: Farmon TOSHEV. Gazeta O'zbekiston matbuot va axborot agentligining Samarqand viloyati matbuot va axborot boshqarmasida 2012-yil 30-martda 09-01 raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr 100. Indeks 438. 17 211 nusxada chop etildi. Buyurtma 437.

Hajmi 2 bosma taboq, bichimi A-2

QABULXONA: (66) 233-91-51, REKLAMA VA E'LONLAR: (66) 233-91-56. BO'LIMLAR: (66) 233-91-57, 233-91-58, 233-91-59, 233-91-61. MANZILIMIZ: 140100, Samarqand shahri, Ulug' Tursonov ko'chasi, 80-uy, Matbuot uyi.

Navbatchi muharrir: A.SHERXOLOV. Navbatchi: G.MO'MINOVA. Sahifalovchi: B.ABDULLAYEV. Sotuvda narxi keltirilgan holda

ISSN-201667X. 9 772 010 667 009